

11-синф

ЎЗБЕК ТИЛИ

3-вариант

№ 1. Туб сўзларни топинг.

- а) тароқ, байроқ б) кўпроқ, сўроқ
в) фироқ, кенгроқ г) байроқ, чироқ

№ 2. Оддий даражадаги сифатни белгиланг.

- а) чиройли б) чиройлироқ
в) кичикроқ г) энг чиройли

№ 3. Нукталар ўрнига керакли келишиқ кўшимчасини қўйинг.

Агар ток ... икки марта оширсак, суюқлик ... ҳарорати икки марта ортади.

- а) -да, -дан б) -ни, -га в) -га, -да г) -ни, -нинг

№ 4. Қайси гапда келишиқ кўшимчаси нотўғри қўлланган?

- а) Яхшининг ёмон кунда сина.
б) Эркин болалардан хурсанд бўлди.
в) Яхшига ёндаш, ёмондан қоч.
г) Ўртоғинга бир илтимосим бор эди.

№ 5. Уюшган эгани белгиланг.

Залга ишчилар ва хизматчилар тўпланган.

- а) хизматчилар б) залга
в) ишчилар ва хизматчилар г) ишчилар

№ 6. Имло қоидасига номувофик ёзилган қаторни аниқланг.

- а) 35-уй, 38-хонадон, 165-машқ
б) 9 май, 27 апрель, 80 йиллар
в) XX-аср, 1995-йил, 7в синф, 169-чи мактаб
г) 148-масала, 10-синф, IV боб

№ 7. Бош ҳарфлар имлосига номувофик ёзилган қаторни аниқланг.

- а) Куёш, Ер, Хабибулла ўгли Дилмурод
б) «Искандар» драмаси, Беруний номидаги бекат

- в) «Шарқ Юлдузи», Тошкент Давлат Университети
г) Наврўз байрами, Тошкент метроси

№ 8. Даллол сўзи қандай маъно англатади?

- а) брокер б) акция
в) морфология г) фразеология

№ 9. Тегажоқ, хира сўзига тенг келадиган иборани топинг.

- а) текканга тегиб, тегмаганга кесак отади
б) эси чиқиб кетди
в) ерга урса, кўкка сачрайди
г) энг шимариб

№ 10. Қаршилик қилмоқ сўзига тенг келадиган иборани топинг.

- а) ковушини тўғрилаб қўйиш
б) кўзлари қинидан чиқиш
в) жонига оро кириш
г) икки оёғини тираб туриш

№ 11. Жавобларнинг қайси бирида жуфт ва такрор сўзларнинг ёзилиши қоидага мос эмас?

- а) майда-чуйда, пешма-пеш, ювиб-тараб
б) аҳд-паймон, аччиқ-чучук, бама-бас
в) бош-оёқ, боғ-роғ, бурда-сурда
г) маш-маша, узун-у қиска, усти-бош

№ 12. Имло қоидасига номувофик ёзилган кўшма сўзларни аниқланг.

- а) тўқ сариқ, дуторбўйин, сидқидил
б) белбоғ, кўзиқорин, от қулоқ
в) макка жўхори, иш ёқмас, эрта тинар
г) илдизмева, кирқоғайни, кўксултон

№ 13. Берилган кўшма сифатларнинг қайси ўриндагилари нотўғри ёзилган?

- а) эрка - арзанда, хушфёъл
б) софдил, қўй кўз
в) очик кўнгил, яланг оёқ
г) оч пушти, коп-қора

№ 14. Қайси қатордаги сўзлар ва сўз бирикмалари бош ҳарф билан ёзилиши лозим?

- а) Университет, академия, шаҳар
б) Олий кенгаш, вазирлар маҳкамаси, олий кенгаш раёсати.
в) Соғликни сақлаш вазирлиги, саноат қурилиш банки
г) Бирлашган миллатлар ташкилоти, девонхона, уй-жой бошқармаси

Қадим замонларда ўғри, жиноятчи кишиларнинг айблари исботланса, қўлларини кесар эдилар. Кунлардан бир кун шаҳар ҳокимининг олдига ўғирлик билан айбланган бир кишини келтирдилар. Ҳоким унинг қўлини кесишга буюрди. Халқ йиғилди. Ўғрини жазо майдонига олиб келдилар. Жаллод ҳозирланди. Шу вақтда бир кичик қиз ҳоким ёнига келди. Тиз чўкиб, йиғлаб айтди: “Азиз ҳоким, ножўя иш қилгани учун жазо беришга ҳақлисиз. Отамнинг мендан бошқа яна тўртта фарзанди бор. Онамиз касал, буларни боқа олмайди. Агар отамнинг қўлини кестирсангиз, ҳаммамиз очимиздан ўламиз, чунки бизнинг яшашимизга фақат отамиз сабабчидир. Бизларга раҳм қилинг, отамизнинг қўлини кестирманг, агар қўл кестирмасдан бошқа илож топилмаса, у вақтда отамизнинг қўли ўрнига менинг қўлимни кесинглар”.

Ҳоким шу кичик қизда ота-онага муҳаббат шу қадар кучли эканидан ҳайратда қолди. Яна уни синамоқ учун: “Майли отангнинг қўли ўрнига сенинг қўлингни кестираман, эртагача сенга муҳлат бераман. Яхшилаб ўйлаб кўр, кейин пушаймон емагин”, -деди.

11-синф

ЎЗБЕК ТИЛИ

3-вариант

Эртаси куни отасининг қўлини боғлаб жазо майдонига келтирдилар, қиз ҳам пайдо бўлди.

Отасини кўргач, севиниб: “Отажон, сира кўркманг, мен ҳокимга “Отамиз қўли ўрнига менинг қўлимни кестириш”,-деб ялиндим. У киши қабул қилди. Ҳозир менинг қўлимни кесиб, сизни озод қиладилар,-деб қўлини жаллодга узатди.

Қизнинг сўзларини эшитиб, ота-онага бўлган кучли муҳаббатини англаган ҳоким қаттиқ таъсирланди. Жазо майдонига йиғилган халқ чидолмай кўз ёшларини тўкди. Ҳоким дарҳол қизнинг отасини озод қилди. Қизни эркалаб, ардоқлаб, кўп илтифотлар кўрсатди. Ота-бола кучоқлашиб, севина-севина уйга қайтишди.

Ҳоким жазо майдонида бир тош устига “Бир ёшгина қиз отасининг қўли ўрнига ўз қўлини фидо этишни истади. Шу қиздек фарзандга эга бўлган ота-она қандай бахтлидир”,-деган жумлани ёзишга амр этди.

№ 15. Қиз нима мақсадда ўз қўлини кестиришга рози бўлди?

- а) ўғрилиқ қилган эди
- б) отасини қутқармоқчи бўлди
- в) ҳокимга беодоблик қилди
- г) отасининг қўлини кесганликлари учун

№ 16. Қизнинг отасини қўлини кесишдан бошқа жазо борлиги ҳақида айтилганми?

- а) дорга осилиши мумкин эди
- б) сургун қилиниши айрилган
- в) йўқ, бошқа жазо ҳақида айрилмаган
- г) қизнинг бошидан жудо қилиниши айрилган

№ 17. Ҳоким нима учун ўғрини озод қилди?

- а) қизнинг отасига бўлган муҳаббатидан таъсирланиб
- б) қизнинг қўлини кесиш эвазига
- в) инсонларнинг илтимосига биноан
- г) бошқа қайтармаслик шарти билан

№ 18. Матндан қандай ўртак ва ибрат олишингиз мумкин?

- а) ўғрилиқка жазо бермаслик
- б) ёмон ишдан узоқ ва меҳрибон бўлишлиқ
- в) оғир вазиятдан хийла билан чиқишлиқ
- г) бераҳм бўлишлиқ

№ 19. “Майли отангнинг қўли ўрнига сенинг қўлингни кестираман,.....” Юқоридаги гапни ҳоким нима мақсадда айтганди?

- а) қизнинг қўлини кестириш учун
- б) отасини жазолаш учун
- в) дадасини қутқариш учун
- г) синаб кўриш учун

№ 20. Бу ҳикояни сиз қандай номлаган бўлардингиз?

- а) Донишманд қиз
- б) Ота-онага муҳаббатли қиз
- в) Ота-она
- г) Шафқатли подшоҳ

Баллни баҳога айлантириш шкаласи

Ҳар бир топшириқ 1 балл билан баҳоланади. Жами топшириқларнинг миқдори - 20

баллари	баҳо
0-7	«2»
8-11	«3»
12-14	«4»
15-20	«5»